

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

МАҲАЛЛАДА КООПЕРАЦИЯ ТАШКИЛ ЭТИШ

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

**«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2025**

Маҳаллада кооперация ташкил этиш. Услубий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2025 й. – 28 б.

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири А. Ташкулов ва
Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси
ўринбосари У. Мухаммадиевнинг умумий таҳрири остида*

Ушбу услубий қўлланма “маҳалла еттилиги”, тадбиркорлар ҳамда кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган бўлиб, қўлланмада кооперация ташкил қилиш орқали маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектлари ва хонадонлар ўртасида ҳамкорликини таъминлаш, шунингдек уларнинг белгиланган ҳуқуқлари, имтиёзлар, мазкур ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиш тартиби содда тилда ифодаланган.

Мазкур услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
Маҳаллада кооперация ташкил этишни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари	6
Кооперация ташкил этиш.....	8
Маҳаллаларда кооперация ташкил этишнинг устувор йўналишлари	11
«Оғир» маҳаллаларни аниқлаш тартиби.....	13
Аҳолини «етакчи» тадбиркорларга бириктириш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш ва даромад манбаини яратиш тартиби.....	16
Кооперация ташкил этишда иштирок этувчи шахсларнинг вазифалари	17
Тадбиркорга имтиёзли кредит ажратиш	22
Асосий тушунчалар	25
Иловалар	26

КИРИШ

Ишсизлик инсон манфаатларига тўғридан-тўғри таъсир қиладиган йирик ижтимоий-иқтисодий муаммолардан бири ҳисобланади. Иш жойини йўқотиш кишилар учун оилавий турмуш даражасининг пасайишига олиб келади, инсон руҳиятига салбий таъсир қиладди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда доимий даромад манбаига эга бўлмаган ва ишсиз аҳолининг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу ишларни олиб боришда маҳалла тизимлари асосий таянчга айланди. Маҳаллалардаги мавжуд бўш иш ўринлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг мавсумий ишчиларга бўлган талабини аниқлаш орқали ишсизларни бўш иш ўринларига жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилишга катта аҳамият бериляпти.

Натижада маҳалласидан узоқлашмаган ҳолда, кичик бизнес ташкил этиб, ўзи, оиласи ва ҳудудидаги кам таъминланган оилалар аъзоларини иш билан банд қилаётган инсонлар сони ортиб борапти.

Маҳаллаларда истиқомат қилувчи аҳолини тадбиркорликка ўргатиш, уларнинг тадбиркорлар билан доимий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек маҳаллаларда аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида кооперациялар ташкил қилишни рағбатлантириш ижобий натижаларни беради.

Хусусан, тадбиркорликнинг маҳаллаларнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб ҳар бир маҳалла, ҳар бир кўча, ҳар бир хонадонга кириб боришига, аҳоли даромадларини янада оширишга хизмат қиладди.

Шуларни назарда тутиб сўнгги йилларда ушбу йўналишни ривожлантиришга оид қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди, маҳаллаларда кооперацияни рағбатлантирувчи механизмлар яратилди.

Ушбу қўлланма “маҳалла еттилиги”, тадбиркорлар ҳамда кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган бўлиб, унда кооперация ташкил қилиш орқали маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари, уларга тақдим этилган қонунчиликдаги имтиёзлар, мазкур ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиш тартиби содда тилда баён этилган.

МАҲАЛЛАДА КООПЕРАЦИЯ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ



Ўзбекистон Республикасининг “Кооперация тўғрисида”ги Қонуни;



Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси;



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПФ–29-сон Фармони;



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги «Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–209-сон Фармони;



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–31-сон қарори;



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги “Маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектлари билан аҳоли ўртасида кооперацияни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5214-сон қарори



Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 августдаги “Худудларда «маҳаллабай» ишлаш асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг доимий даромад манбаларини қўпайтириш орқали камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 504-сон қарори;

КООПЕРАЦИЯ ТАШКИЛ ЭТИШ

«Маҳаллабай» ишлаш тизими асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан ортда қолаётган ва ишсизлик даражаси юқори бўлган маҳаллаларда (кейинги ўринларда – **«оғир» маҳалла**) тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик субъектлари ва хонадонлар ўртасида иқтисодий кооперацияни кенгайтириш орқали ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган маҳаллаларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда оилаларнинг меҳнатга лаёқатли **ишсизлари бандлигини таъминлаш** ҳамда уларнинг **доимий даромад манбаини** яратиш кўзда тутилган.

Кооперация – жисмоний ва юридик шахсларнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий фаолиятнинг турли соҳаларида умумий мақсадларга эришиш учун ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган, мулкнинг ширкат (жамоа) шаклига асосланган ихтиёрий бирлашмалари (кооперативлари) ҳисобланади. Республикада кооперация аҳолининг маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш ҳамда фойда (даромад) олиш мақсадида матлубот, ишлаб чиқариш ва аралаш ишлаб чиқариш-матлубот кооперативлари шаклида ташкил этилади.

Кооператив – кооперациянинг бирламчи бўғини ҳисобланади.

Юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, жамоа мулки ҳуқуқи асосида ўзига қарашли мулкка эгалик қиладиган, ундан фойдаланадиган ва уни тасарруф этадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект **кооператив** ҳисобланади. Ер ва бошқа табиий бойликлар кооперативларга фойдаланиш учун берилади.

Кооператив Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланганларидан ташқари, фаолиятнинг **ҳар қандай тури** билан шуғулланишга ҳақлидир.

Кооператив фуқаролар истаги билан ёки юридик шахсларнинг ташаббуси билан **мутлақо ихтиёрийлик** асосида ташкил этилади. Кооператив аъзолари бўлган фуқароларнинг сони **уч кишидан** кам бўлмаслиги, матлубот кооперативида (*жамиятида*) ҳамда қишлоқ хўжалиги кооперативида эса **етти кишидан** кам бўлмаслиги керак.

16 ёшга тўлган, кооперативнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда иштирок этиш истагини билдирган ва бунга қодир бўлган ҳар бир жисмоний шахс, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўзга ҳол назарда тутилмаган бўлса, кооператив аъзоси бўлиши мумкин.

Кооперативлар ва уларнинг жамоа аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар **шартнома асосларида** қурилади.

Кооперативнинг аъзоси меҳнат шартномаси бўйича бир неча ишлаб чиқариш кооперативида ишлаши ёки айни бир вақтнинг ўзида уй-жой ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларни қондириш билан шуғулланувчи бир неча кооперативнинг аъзоси бўлишига ҳақли.

Кооперативга кириш ёки унда меҳнат шартномаси (*контракт, битим*) бўйича ишлаш учун асосий иш жойидаги корхона мулкдорининг, маъмуриятнинг (*бошқарув идорасининг*) розилиги талаб қилинмайди.



Кооператив мустақил тарзда ҳам, мулкнинг ҳар қандай шаклига мансуб корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳузурида ҳам ташкил этилади ва фаолият кўрсатади. Бунда аризачилар кооперативни ташкил этиш умумий тартибда рўйхатдан ўтказиш лозим.

Кооперация ташкил этиш усуллари:

Исталган давлат хизматлари маркази орқали

онлайн тартибда fo.birdarcha.uz сайти орқали (электрон рақамли имзо олиш орқали)

“Маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш асосида “оғир” маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш бўйича янги-ча ёндашувни (**“Андижон тажрибаси”**) республиканинг бошқа ҳудудларига ҳам татбиқ этиш учун **Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан** давлат улушига эга бўлган тижорат банкларига алоҳида тасдиқланадиган тақсимотга асосан **100 миллион АҚШ доллари** эквивалентидаги маблағлар 3 йиллик имтиёзли давр билан **7 йил муддатга 7 фоиз ставкада** ажратилиши белгиланган.

МАҲАЛЛАЛАРДА КООПЕРАЦИЯ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш,
уларда оилавий тадбиркорликни кенгайтириш,
аҳолининг даромад манбаларини кўпайтириш ва
ишсизликни бартараф этишнинг устувор йўналишлари:**

- ✓ маҳаллаларнинг «ўсиш нуқталари»ни (ихтисослашув йўналишларини) аниқлаш ва янги тадбиркорликни, жумладан, «драйвер» лойиҳаларни амалга оширишда ташаббускорларга кўмаклашиш ва шу орқали ҳар бир маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ўсишини таъминлаш;
- ✓ аҳолининг доимий даромад манбаларини янада кўпайтириш, оилавий тадбиркорликни ва ўзини ўзи банд қилиб ишлаш фаолиятини янада кенгайтириш чораларини кўриш;
- ✓ маҳаллаларда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истаги бўлган ташаббускорларни бизнес асосларига ўқитиш;
- ✓ хонадонларда томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, даромадлилигини янада ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур асбоб-ускуна ва хом-ашё билан имтиёзли кредитлар асосида таъминлаш, шунингдек, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишга кўмаклашиш жараёнларини ташкил этиш;
- ✓ тадбиркорлик лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш ва фаолиятини мониторинг қилиб бориш, ишлаб чиқарадиган маҳсулоти (хизмати) бозорини топишига ёрдам бериш.

Эслатма!

«Оғир» маҳаллаларнинг «ўсиш нуқталари»ни аниқлашда ҳар бир маҳаллада аҳолининг азалдан шаклланган меҳнат кўникмасидан келиб чиқиб, энг самарали **«ўсиш нуқталари»** сифатида – ҳунармандчилик, косибчилик, томорқа ва иссиқхона хўжалиги, гулчилик, чорвачилик, паррандачилик ва кичик ишлаб чиқариш каби йўналишларга алоҳида эътибор берилади.

● “Етакчи” тадбиркорни танлаб олиш тартиби

«Етакчи» тадбиркор етарли тадбиркорлик тажрибасига ва ижобий молиявий кўрсаткичларга эга, фаолияти маҳалла ихтисослашуви-га мос бўлган, хонадонларни **кооперация асосида** юқори даражада қамраб оладиган, «оғир» маҳаллаларда ўз бизнесини ривожлантириш дастурига эга бўлган тадбиркорлар орасидан танлаб олинади.

«ОҒИР» МАҲАЛЛАЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

Туман (шаҳар) сектор раҳбарлари томонидан «оғир» маҳаллаларни аниқлаш қуйидаги босқичлардан иборат:

 **1-босқич:** ҳар бир хонадон ўрганилиб, қуйидаги 3 тоифага ажратилади:

а) намунали хонадон – даромади юқори, ўзгалар ёрдамига эҳтиёжи бўлмаган, бир ёки ундан кўп оила яшайдиган хонадон;

б) ўрта хонадон – жон бошига тўғри келадиган даромади минимал истеъмол харажатлари миқдоридан юқори бўлса-да, оила аъзолари ичида ишсиз ёки тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш истаги бор хонадон;

в) эҳтиёжманд хонадон – жон бошига тўғри келадиган даромади минимал истеъмол харажатлари миқдоридан кам, оила аъзолари ичида меҳнатга лаёқатли бир ёки ундан кўп ишсизлар мавжуд хонадон.

 **2-босқич:** хонадонларни ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, маҳаллалар 3 тоифага бўлинади:

а) намунали маҳалла – жами хонадонлар сонига нисбатан намунали хонадонларнинг улуши **60% дан** юқори ҳамда эҳтиёжманд хонадонларнинг улуши **25% дан** кам бўлган маҳалла;

б) ўрта маҳалла – жами хонадонлар сонига нисбатан ўрта хонадонларнинг улуши **60% дан** юқори ҳамда эҳтиёжманд хонадонларнинг улуши **25% дан** кам бўлган маҳалла;

в) «оғир» маҳалла – жами хонадонлар сонига нисбатан эҳтиёжманд хонадонларнинг улуши **25% дан** юқори бўлган маҳалла.



«Оғир» маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар

Туман (шаҳар) сектор раҳбарлари, секторлар бошқарув офислари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари масъул раҳбарлари томонидан «оғир» маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қуйидаги **чора-тадбирлар** амалга оширилади:

- маҳаллалардаги ҳар бир хонадонда аҳолининг турмуш шароити, хоҳиш-истаги ва имкониятлари ўрганиб чиқилади;
- маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш учун **«ўсиш нуқталари»** аниқланади;
- маҳаллаларнинг «ўсиш нуқталари»дан келиб чиқиб, ҳар бир тадбиркорлик йўналишига салоҳиятли **«етакчи» тадбиркорлар бириктирилади**;
- маҳаллалардаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истаги бўлган аҳоли «етакчи» тадбиркорларга бириктирилади ёки ўзининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашилади (*тадбиркорликка ўқитиш, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредит ажратиш ва бошқа масалалар*).

Хонадонларни ўрганиб чиқиш мезонлари

- ☒ доимий даромадга эгалиги (ўрта ҳолатдалиги), ёрдамга муҳтож ёки муҳтож эмаслиги;
- ☒ сўнгги 3 йил давомида оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредит олганлиги;
- ☒ мавсумий ёки норасмий даромади мавжудлиги;
- ☒ «етакчи» тадбиркор билан ишлаш истаги мавжудлиги;
- ☒ ўзининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истаги борлиги;
- ☒ доимий ишга жойлашишга эҳтиёжи борлиги;

-  меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари мавжудлиги;
-  ишлаш истаги йўқ хонадон аъзолари мавжудлиги.



Ўтказилган хатлов натижасида қандай ишлар амалга оширилади?

1) Ўзининг мустақил тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган фуқароларга оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ўрнатилган тартибда **кредитлар ажратиш** чоралари кўрилади;

2) Ўқиш истаги бўлган фуқаролар учун Савдо-саноат палатаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби томонидан **касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш курслари** ташкил этилади;

3) Доимий ишга жойлашишда эҳтиёжи бўлган фуқаролар учун Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан туман ва шаҳарлардаги бюджет ташкилотлари ҳамда хусусий сектордаги мавжуд **вакант жойлар** аниқланиб, уларга ишсиз **аҳолини жалб этиш** чоралари кўрилади;

4) Солиқ қўмитаси томонидан **ўзини ўзи банд қилган аҳоли** фаолиятини легаллаштириш ишлари амалга оширилади;

5) Маҳаллий ҳокимликлар томонидан умуман тадбиркорлик қилиш салоҳияти ва ишлаш имконияти бўлмаган оилаларга доимий даромад манбаига эга бўлиши учун **ҳомийлик маблағлари ҳисобидан** 50 – 100 тадан хонаки товук тарқатиш чоралари кўрилади.

АҲОЛИНИ «ЕТАКЧИ» ТАДБИРКОРЛАРГА БИРИКТИРИШ ОРҚАЛИ УЛАРНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ДАРОМАД МАНБАИНИ ЯРАТИШ ТАРТИБИ

- ✓ I. Туман (шаҳар) ҳокимликлари «оғир» маҳаллаларда «етакчи» тадбиркор билан ишлаш истаги бўлган ташаббускорларни ўқитиш, маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур асбоб-ускуна ва хомашё билан таъминлаш, шунингдек ишлаб чиқарган (етиштирилган) маҳсулотларни сотишга кўмаклашиш жараёнларини ташкил этиш учун уларга **«етакчи» тадбиркорларни бириктиради.**
- ✓ II. «Оғир» маҳаллага бириктирилган «етакчи» тадбиркор **кооперация асосида** ўз тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш **дастурини** сектор бошқарув офиси билан биргаликда ишлаб чиқади ва тегишли сектор раҳбарига тақдим этади.
- ✓ III. Сектор раҳбарлари «етакчи» тадбиркор дастурини кўриб чиқиб, Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш маркази **ижобий хулоса** бериши учун ҳимоя қилади.
- ✓ IV. Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш маркази томонидан «етакчи» тадбиркор дастурини амалга ошириш ва унга имтиёзли кредит ажратиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ижобий хулоса берилади. Ушбу **ижобий хулоса** тижорат банклариغا имтиёзли кредит ажратиш учун берилади.

Эслатма!

«Етакчи» тадбиркор дастури белгиланган талабга жавоб бермаса, тадбиркорга қайта ишлаш учун юборилади.

КООПЕРАЦИЯ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ШАХСЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ҳоким ёрдамчисининг вазифалари

- ✓ Ҳоким ёрдамчиси солиқ инспектори билан маҳаллада тадбиркорлик салоҳиятини аниқлайди.
- ✓ Маҳалланинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, кооперация асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган етакчи тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратишни ташкил этади, тадбиркорлик билан мустақил шуғулланиш тажрибасига эга бўлмаган фуқароларни ўз фаолиятини йўлга қўйиши учун уларга бириктиради (Қўлланманинг 1-иловасидаги схема).
- ✓ Маҳаллаларда тадбиркорлар ва хонадонлар ўртасида иқтисодий кооперацияни кенгайтириш орқали аҳолини доимий даромад манбаи билан таъминлаш чораларини кўради.
- ✓ Тадбиркорликка хоҳиши борларни аниқлайди.
- ✓ Доимий даромад манбаига эга бўлмаган ишсиз аҳолини касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш ҳамда бандлигини таъминлаш чораларини кўради.
- ✓ Тадбиркорлик билан мустақил шуғулланиш тажрибасига эга бўлмаган фуқароларни ўз фаолиятини йўлга қўйиши учун «етакчи» тадбиркорларга бириктиради.
- ✓ Ишлаш хоҳишини билдирган ишсизларни аниқлайди.

- ☑ Меҳнат органи билан биргаликда кооператив ташкил этиш учун ху-лоса беради.
- ☑ Субсидия ва кредит ажратишга кўмаклашади.
- ☑ Кооператив фаолиятини йўлга қўяди ва мониторинг қилади.
- ☑ Тижорат банклари кўмагида скоринг баҳолашдан ўтган ташаббус-корлар билан бевосита жойида учрашиб, тасдиқланган саволнома асосида белгиланган мезонларга мувофиқлигини ўрганади ва та-шаббускорларнинг дастлабки рўйхатини шакллантиради.

Эслатма!

Субсидия ажратиш бўйича аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

- *жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми;*
- *доимий яшаш манзили;*
- *паспорт серияси ва рақами (ID-карта рақами);*
- *сўралаётган субсидия миқдори.*

Эслатма!

Аризада қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун жисмоний шахс жавобгар ҳисобланади.

Ҳоким ёрдамчиси ҳар ойда амалга оширилган ишлар натижа-дорлиги юзасидан туман (шаҳар) ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари билан биргаликда ҳокимга ҳисобот бериб боради.

«Етакчи» тадбиркорнинг вазифалари

-  **1)** Ўз дастури доирасида кооперация асосида ишсиз аҳоли билан маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур асбоб-ускуна ва хомашё билан таъминлаш, шунингдек ишлаб чиқарилган (етиштирилган) маҳсулотларни сотишга кўмаклашиш жараёнларини ташкил этиш бўйича бириктирилган **хонадон билан шартнома** тузади.
-  **2)** Хонадонларнинг ишларни ташкил қилишида уларга маслаҳат беради, техник-иқтисодий жиҳатдан кўмак берувчи маслаҳатчиларни бириктиради.

Ушбу маслаҳатчининг ҳар ҳафтада камида бир маротаба маҳсулот ишлаб чиқараётган (етиштираётган) оилаларга кириб, улар билан ишлашини ташкил этади.
-  **3)** Хонадонларда маҳсулот ишлаб чиқариш (етиштириш) жараёнида юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида агротехник, зооветеринария ва бошқа турдаги **хизматлар кўрсатиб борилишини** таъминлайди.
-  **4)** Фаолиятини янада кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадида **хорижий давлатларнинг** илғор тажрибалари ва инновацияларини ўз бизнес соҳасига мунтазам жорий этиб боради.
-  **5)** Шартнома бўйича кооперация асосида ишлаётган оилаларни ўз вақтида зарур **хомашё маҳсулотлари** билан узлуксиз таъминлаб боради.
-  **6)** Ишлаб чиқариладиган (етиштириладиган) маҳсулотлар учун **тўловларни** ўз вақтида амалга оширилишини таъминлайди.
-  **7)** Ҳар бир маҳаллада уларнинг тегишли ихтисослашув йўналишларида биттадан намуна ва ўрнак кўрсатадиган тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш орқали аҳолига **тадбиркорлик кўникмаларини** ўргатади, иш юритишга қизиқишини уйғотади, оғир шароитдаги оилаларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилади.

Фуқароларнинг вазифалари

-  **1)** тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва касб-ҳунарга ўқитиш бўйича ташкил этиладиган ўқув курсларида иштирок этиб, ўзининг билим ва кўникмаларини оширади;
-  **2)** тадбиркор билан шартнома асосида ишлаётган фуқаро тадбиркорлик қилиши учун берилган мол-мулкдан тўғри фойдаланилишига шахсан жавобгар бўлади;
-  **3)** берилган мол-мулкдан доимий ва самарали фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаради (етиштиради) ҳамда шартномага асосан ишлаб чиқарилган (етиштирилган) маҳсулотларни тадбиркорга етказиб берилишини таъминлайди;
-  **4)** маҳсулот ишлаб чиқариш (етиштириш) жараёнида юзага келаётган муаммолар тўғрисида ўз вақтида «етакчи» тадбиркорни хабардор қилади;
-  **5)** маҳсулот ишлаб чиқариш (етиштириш) жараёнини назорат қилиш ва кўмаклашиш бўйича тадбиркор томонидан бириктирилган маслаҳатчининг ҳар ҳафта иш жараёни билан танишиб боришига имконият яратиб беради;

«Оғир» маҳалла раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарининг вазифалари

-  **1)** Маҳаллага бириктирилган «етакчи» тадбиркор билан биргаликда маҳаллада истиқомат қилаётган фуқаролар, айниқса, ёшлар ва аёлларга тадбиркорлик бўйича **маслаҳатлар беради**, уларнинг ўз тадбиркорлик фаолиятини **йўлга қўйишида кўмаклашади**;
-  **2)** Маҳалладаги тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истаги бўлган аҳоли ўртасида «етакчи» тадбиркорлар билан шартнома асосида ишлаш бўйича **тушунтириш ишларини** ташкил этади;

-  **3)** Маҳалланинг **қадимий анъаналаридан** келиб чиққан ҳолда хонадонларни оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, касаначилик ва бошқа **тадбиркорлик фаолияти турлари** билан шуғулланишга жалб қилади;
-  **4)** Ишсиз аҳоли рўйхатини шакллантиради ҳамда Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда уларни ишга жойлаштириш чораларини кўради;
-  **5)** Маҳаллада ишлаш хоҳиши бўлмаган хонадон аъзоларини тадбиркорликка жалб қилиш ва даромад топишга қизиқтириш (мотивация бериш) бўйича **тарғибот ишларини** мунтазам равишда олиб боради.

Хизматга қандай тартибда ҳақ тўланади?

«Етакчи» тадбиркорларга кооперация асосида ишлаётган фуқаро томонидан ишлаб чиқарилаётган (етиштирилаётган) **маҳсулотларни сотиб олиш** ёки шартномага асосан фуқарога **ойлик иш ҳақи тўлаш** юклатилади.

ТАДБИРКОРГА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АЖРАТИШ

Тижорат банклари томонидан кредитлар кооперация асосида кичик бизнесни ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш учун «оғир» маҳаллаларга бириктирилган «етакчи» тадбиркорлик субъектларига **имтиёзли кредит** битта маҳаллага **2 млрд сўмгача** миқдорда ажратилади.

«Етакчи» тадбиркор тижорат банкига имтиёзли кредит олиш учун тақдим этидиган ҳужжатлар:

- а) ариза;
- б) Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказининг ижобий хулосаси;
- в) маҳсулот олди-сотди шартномаси (мавжуд бўлганда);
- г) бизнес-режа;
- д) тегишли солиқ инспекциясига охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-сон шакл), молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сон шакл), янги ташкил этилган юридик шахслар бундан мустасно;
- е) кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида банкка қуйидаги таъминот турларидан бирини:
 - мол-мулк (шу жумладан, кредит ҳисобига олинаётган мол-мулклар) гарови;
 - учинчи шахс кафиллиги;
 - суғурта полислари;
 - қонунчилик ҳужжатлари доирасидаги бошқа таъминот турлари.

Эслатма!

Молиялаштириладиган «етакчи» тадбиркор дастури хусусиятидан келиб чиқиб, банк томонидан ички кредит сиёсатига мувофиқ бошқа ҳужжатлар сўралиши мумкин.

Ажратилган кредит мақсадли ишлатилиши устидан мониторинг қилиш

Тижорат банки ва бошқарув офиси томонидан «етакчи» тадбиркорга ажратилган кредит мақсадли ишлатилиши устидан **доимий мониторинг** ўрнатилади.

Бунда:

- «етакчи» тадбиркор томонидан шартномага асосан тегишли фуқарога маҳсулот етказиб берилиши ёки хизмат кўрсатилиши;
- «етакчи» тадбиркор ва фуқаро ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоб жараёнлари кузатиб борилади.

«Етакчи» тадбиркор олинган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар ва асосий қарзларни тузилган шартномага мувофиқ тасдиқланган кредит қайтариш режа-графикига асосан ўз муддатларида ўрнатилган тартибда сўндириб боради.

Бу муҳим!

*Маҳаллада «етакчи» тадбиркор томонидан кредит маблағларини «етакчи» тадбиркор дастурида белгиланмаган мақсадларга ишлатилган тақдирда, ушбу тадбиркорга мазкур мақсадда ажратилган кредитлар бўйича фоиз ставкалари **Марказий банк асосий ставкасининг 2 баробари миқдоридаги фоиз ставкасига ўзгартирилиб, кредит фоиз харажатлари миқдори кредитдан умумий фойдаланиш даврига қайтадан ҳисобланади.***



Маҳаллаларда бир хонадон мисолида иссиқхона кооперацияси ташкил этиш тартиби

Бунда биринчи навбатда, солиқ инспектори ҳоким ёрдамчиси билан бирга маҳаллаларнинг «**ўшиш нуқтаси**»ни (драйвери) ҳамда маҳалла паспорти орқали хонадон сони, оила сони, аҳоли сони, ишсизлар сони кўриб чиқади. Шундан сўнг, маҳалла драйвери аниқланади.

Маҳалла драйвери иссиқхона деб топилганда кооперацияни ташкил қилишда қуйидагилар назар тутилган бўлиши керак:

- лойиҳани амалга оширувчи ташаббускор тадбиркор номи;
- лойиҳанинг қиймати;
- лойиҳа асосида ташкил этилаётган янги иш ўринлари сони;
- лойиҳага кооперация асосида жалб қилинадиган хонадонлар сони;
- кооперацияга жалб қилинадиган хонадонлар аъзоларини ўқитиш;
- хонадонлардаги иссиқхона учун зарур кўчатларни етказиб бериш;
- маҳсулотни етиштиришда кўмаклашиш;
- тайёр маҳсулотларни шартномага асосан сотиб олиш.

Изоҳ: Қўлланманинг 2-иловасига мувофиқ тахминий ҳисоб-китобларга асосан иссиқхона кооперациясининг инфографикаси тақдим этилади.

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

«Секторлар» – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳудудларини тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари раҳбарлари бошчилик қиладиган комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органининг кўмаклашувчи коллегиял ишчи тузилмаси (кейинги ўринларда – секторлар);

«Бошқарув офиси» – секторлар ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан ташкил этилган республика ва ҳудудий давлат бошқаруви органлари ҳамда тижорат банклари раҳбарлари ва ходимларидан иборат бошқарув офиси;

«Оғир» маҳалла – секторлар томонидан ўрганиш давомида аниқланган ижтимоий аҳволи оғир ва ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш ихтисослашуви бўлмаган маҳалла;

«Етакчи» тадбиркор – етарли тадбиркорлик тажрибаси ва ижобий молиявий кўрсаткичларга эга, фаолиятини маҳалланинг ихтисослашувига мос равишда ташкил этадиган, хонадон аъзоларини кооперация асосида бирлаштириб, маҳсулот ишлаб чиқариш (етиштириш) ёки хизмат кўрсатишга буюртма бериш, бириктирилган аҳолига кўникмаларни ўргатиш ва улардан тайёр маҳсулотни сотиб олишни ўз зиммасига оладиган ташаббускор.

ИЛОВАЛАР

1-илова

Маҳаллада кооперациялар ташкил қилишда ҳоким ёрдамчисининг вазифалари, унинг бу борада маҳалла, масъул ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорлиги тартиби

Вазифалар	Амалга ошириш механизми	Ҳоким ёрдамчиси билан бирга масъул
“Оғир” маҳаллаларда “етакчи” тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда хонадонлар билан кооперация алоқалари ўрнатишни ташкил этиш	1. Маҳалла Паспорти маълумотлари асосида маҳалланинг ихтисослашувини аниқлайди.	Маҳалла фуқаролари йиғини
	2. Белгиланган тартиб асосида “етакчи” тадбиркорни аниқлайди. “Оғир” маҳаллада тадбиркорликни ҳамда иқтисодий кооперацияни ривожлантириш бўйича “йўл хариталар” ва дастурлар ишлаб чиқиши ҳамда Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказида ҳимоя қилинишини ташкиллаштиради.	Сектор, Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш маркази
	3. Кооперация асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган “етакчи” тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратишни ташкил этади.	Давлат улушига эга бўлган тижорат банклари
	4. Мустақил тадбиркорлик билан шуғулланиш салоҳиятига эга бўлмаган аҳолини ўз фаолиятини йўлга қўйиши учун “етакчи” тадбиркорга бириктиради.	Маҳалла фуқаролари йиғини
	5. “Етакчи” тадбиркор ва унга бириктирилган аҳоли томонидан маҳсулот етиштириш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ жараёнларни доимий ўрганиб боради ва зарур амалий ёрдамларни кўрсатади.	Савдо-саноат палатаси туман бўлими, маҳалла фуқаролар йиғини, тижорат банклари

Маҳаллаларда ташаббус асосида бир хонадон мисолида иссиқхона кооперацияси ташкил этиш тартиби



МАҲАЛЛАДА КООПЕРАЦИЯ ТАШКИЛ ЭТИШ

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Нашр учун масъуллар: *А. Мусаев*
Ш. Абдуллаев
М. Ахмедов

Тузувчилар: *Ш. Рабиев*
И. Убайдуллаев
Б. Рахматов

Муҳаррир: *Д. Маткаримова*

Компьютерда саҳифаловчи: *Х. Холиёров*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази.

Нашр. лис. АИ № 032, 29.10.2019.

Тошкент шаҳри, Амир Темурашхон шоҳқўчаси, 19-уй.

Телефонлар: (99871) 233-28-18, (99871) 280-55-47

Веб сайт: www.adolatmarkazi.uz

е-маил: info@adolatmarkazi.uz

Босишга рухсат этилди 04.03.2025 й.

Қоғоз бичими 60x84 ¹/₁₆. «Segoe UI» гарнитураси.

Офсет усулида чоп этилди. Босма табоғи 1,75.

Нашриёт ҳисоб табоғи 0,8. Адади *** нусха.

-буюртма.